

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

БУХОРО ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИ
2016 йил январь-сентябрь**

Бухоро – 2016 й.

СЎЗ БОШИ

Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси – Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Бухоро вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2016 йил январь-сентябрь ойлари яқунлари бўйича Бухоро вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2016 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий
кўрсаткичлар**

	Ўлчов бирлиги	2016 йил январь- сентябрь	2015 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	7118,0	107,8
Саноат маҳсулоти	млрд.сўм	4086,8	109,2
Истеъмол товарлари	млрд. сўм	1967,8	116,9
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	млрд. сўм	2720,8	105,1
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млрд.сўм	4046,3	115,0
Қурилиш ишлари	млрд. сўм	1829,3	112,6
Юк айланмаси	млн. тн-км	1681,7	110,9
Йўловчи айланмаси	млн. йўловчи-км	2994,8	104,4
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	4018,4	115,0
Хизматлар, жами	млрд. сўм	3040,1	115,3
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ долл.	565,7	77,1
Экспорт	млн. АҚШ долл.	216,0	94,3
Импорт	млн. АҚШ долл.	349,8	69,3
Иш қидирувчилар сифатида рўйхатда турганлар (ҳисобот даври охирига), *)	киши	222	94,5
шу жумладан, расман ишсизлик мақомини олганлар, киши	киши	133	168,4

*) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари бўйича


Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 7118,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 107,8 фоизга тенг бўлди.


Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд.сўм		ўсиш суръати, %
	2015 йил январь- сентябрь	2016 йил январь- сентябрь	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	6065,5	7118,0	107,8
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5331,6	6214,6	107,9
Маҳсулотларга соф солиқлар	733,9	903,4	107,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5331,6	6214,6	107,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1289,0	1439,4	105,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1777,6	2080,4	108,3
саноат	1095,5	1264,4	105,7
қурилиш	682,1	816,0	112,6
Хизматлар	2265,0	2694,9	109,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	554,2	680,4	112,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	564,4	664,2	106,1
бошқа хизматлари	1146,4	1350,2	108,9

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):
2015 йил



2016 йил



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (112,7%), қурилиш (112,6%) ва саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (108,3 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 67,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2015 йил январь-сентябрда 66,6 фоизни ташкил қилган.

2016 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 43,4 фоиз (2015 йил январь-сентябрда 42,5 фоиз)ни ташкил қилди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри базаси маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз) 15809 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 14668 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 92,8 фоизини) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (24,6 фоизи), саноат (13,6 фоизи), қурилиш (10,0 фоизи), қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиғи (8,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	15809	100,0	14668	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиғи	1345	8,5	1204	8,2
саноат	2152	13,6	2007	13,7
қурилиш	1582	10,0	1429	9,7
савдо	3883	24,6	3513	24,0
ташиш ва сақлаш	1032	6,5	970	6,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	885	5,6	810	5,5
ахборот ва алоқа	207	1,3	185	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	655	4,1	647	4,4
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4068	25,7	3903	26,6

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 85,1 фоизи нодавлат мулки, шундан 25,3 фоизи хусусий корхоналар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 73,8 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:


умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йил январь-сентябрь ойларида жами 1465 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 33,3 фоизи), Ромитан (10,0 фоизи), Гиждувон (10,2 фоизи) ва Пешкў (9,3 фоизи) туманларига тўғри келади.

2016 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 13042 тани ташкил қилди.

2016 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 67,0 фоизи (2015 йил январь-сентябрда 66,6 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2016 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

641,7 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,9 фоизи), шундан банд бўлганларнинг 351,4 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 127,8 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1847,8 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 45,2 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 113,6 фоизни ташкил қилди;

- 2672,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 105,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 98,2 фоизи) ташкил қилди.

- 786,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 19,4 фоизи) ўзлаштирилди

- 1272,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 69,6 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 9,5 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 7,3 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 73,6 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 7,7 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 87,6 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,3 фоизи ёки 3707,6 млрд. сўми (ўсиш 18,0 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 74,9 фоизи ёки 2276,2 млрд. сўми (ўсиш 118,2 фоиз) шакллантирилди;


- 112,5 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 49,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 87,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 17,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2016 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фукарорлар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2672,0	100,0
Саноат	1847,8	65,7
Қурилиш	1272,4	64,9
Чакана савдо	3707,6	89,8
Юк ташиш, млн тн.	52,7	46,9
Йўловчи ташиш, млн.киши	269,0	90,0
Экспорт, млн.АҚШ долл.	112,5	1,0
Импорт млн. АҚШ долл.	87,3	5,7

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ташқи иқтисодий алоқалар


Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 565,7 млн.АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 77,1 фоизни, шу жумладан экспорт 215,9 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 94,3 фоизни, импорт 349,8 млн. АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 69,3 фоизни ташкил этди.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси куйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

(минг АҚШ доллар)

	2015 йил январь- сентябрь	2016 йил январь- сентябрь	ўсиш суръати, %
Ташқи савдо айланмаси	733576,4	565738,9	77,1
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	532047,7	403920,2	75,9
бошқа хориж мамлакатлари	201528,7	161818,7	80,3
Экспорт	229056,5	215954,7	94,3
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	93894,9	100238,1	106,8
бошқа хориж мамлакатлари	135161,6	115716,6	85,6
Импорт	504519,9	349784,2	69,3
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	438152,8	303682,1	69,3
Бошқа хориж мамлакатлари	66367,1	46102,1	69,5

Ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа хориж мамлакатларининг улуши куйидагича ифодаланган:




Экспорт ва импорт ҳажми таркибидаги ўзгаришлар динамикаси

	Экспорт ва импорт умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмдаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрь	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	94,3
пахта толаси	22,2	12,7	54,2
озиқ-овқат маҳсулотлари	3,4	11,2	3,1 м
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	0,3	0,5	167,4
машина ва ускуналар	-	0,4	22,0 м

	Экспорт ва импорт умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрь	2015 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	8,5	16,5	182,5
қора ва рангли металллар	7,8	0,6	7,1
хизматлар	31,6	34,3	102,5
бошқалар	26,2	23,8	85,6
Импорт таркиби	100,0	100,0	69,3
озиқ-овқат маҳсулотлари	3,0	1,3	31,0
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	4,2	4,6	75,0
қора ва рангли металллар	1,8	1,6	62,2
машина ва ускуналар	9,4	9,2	68,2
хизматлар	1,9	2,5	91,0
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	75,5	76,3	70,0
бошқалар	4,2	4,5	74,4

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
умумий хажмга нисбатан фоиз ҳисобида





Вилоятнинг ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган
давлатлар билан товар айланмаси:

	Вилоятнинг ташқи товар айланмасидаги улуши, фоиз ҳисобида	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Россия Федерацияси	38,4	82,6
Туркменистон	16,3	54,7
Афғонистон	6,4	180,1
Эрон	5,9	86,8
Хитой	5,6	50,3
Қозоғистон	4,0	69,1
Жанубий Корея	3,0	91,8
Туркия	1,3	40,6
Украина	0,6	141,0



Ҳисобот даврида вилоят жаҳоннинг 84 дан ортиқ мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди ва 40 дан ортиқ мамлакат билан ижобий сальдога эга бўлди.

2016 йил январь-сентябрь ойларида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо айланмаси таркиби куйидагича ифодаланади:

Экспорт



Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Энергия ресурслари
- Бошқалар

Саноат

2016 йил январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулоти ҳажми 4086,8 млрд. сўмни ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,2 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 1967,8 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 116,9 фоизни ташкил этди. Жумладан, 908,8 млрд.сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 1059,0 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 123,0 фоиз ва 112,2 фоиз ишлаб чиқарилди.


2016 йил январ-сентябрда саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	4086,8	109,2
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	411,9	102,7
улардан:		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	240,9	115,1
Тоғ- кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	11,8	84,7
Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	159,2	88,9
Ишлаб чиқарадиган саноат	3510,9	110,4
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	981,5	114,0
Ичимликлар ишлаб чиқариш	21,8	114,2
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	514,4	108,1
Кийим ишлаб чиқариш	338,9	112,7
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1,5	113,6

	млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	2,9	127,9
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1080,9	107,4
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	105,9	112,2
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	9,4	194,5
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	240,4	104,2
Металлургия саноати	6,0	111,8
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	137,8	119,0
Мебел ишлаб чиқариш	63,8	128,1
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	5,7	74,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	129,0	103,4
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	35,0	99,9
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	1967,8	116,9
шу жумладан		
озик-овқат товарлари	908,8	123,0
ноозик-овқат товарлари	1059,0	112,2

Тармоқлар бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш таркиби куйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



■ Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

■ Ишлаб чиқариладиган саноат

■ Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

■ Сув билан таъминлаш: канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

**Саноат тармоқлари бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	январь- сентябрь 2016 й.	2015 й январь- сентябрга нисбатан % да
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш			
Нефт ва газ конденсати	минг.тн	61,4	102,7
Табиий газ	млн.м.куб	3857,3	116,4

	Ўлчов бирлиги	январь- сентябрь 2016 й.	2015 й январь- сентябрга нисбатан % да
--	------------------	--------------------------------	---

Ишлаб чиқарадиган саноат

Бензин	минг.тн	623,1	122,8
Дизел ёқилғиси	минг.тн	405,7	93,4
Мазут	минг.тн.	57,7	113,6
Керосин	минг.тн.	98,5	102,0
Суюлтирилган газ	минг.тн.	5,2	158,5
Ароқ	минг.л 100% спирт	1343,0	104,1
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натijasида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг.л 100% спирт	14,4	100,0
Узум виноси	минг. л	670,8	101,0
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг.тн	52869,0	100,7
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн	4051,8	110,1
Тозаланган ўсимлик ёғи	тн	16661,0	113,5
Омихта ем	тн	27149,0	98,7
Пахта толаси	минг тн	57560,0	104,2
Пахта чигити	минг тн	78923,0	102,5
Пахта (линти)	тн	4303,0	115,8

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	567,7	95,7
---------------------------------------	------------	-------	------


Қишлоқ хўжалиги

2016 йил январь-сентябрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми амалдаги нархларда 2720,8 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 105,1 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 1321,1 млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 3,4 фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 1364,7 млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 6,6 фоизга кўп), ўрмон, балиқчилик хўжаликлар ва бошқа хизматлар ҳажми 35,0 млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 7,5 фоизга кўп) ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик субъектлари улуши 98,2 фоизни ташкил этди, жумладан деҳқон хўжалиklarининг улуши 74,8 фоизни ташкил этмоқда.

Деҳқончилик. Вилоятда 2016 йил 1 октябрь ҳолатида давлат хирмониға 171,4 минг тонна ғалла топширилди. Шартномавий режа 124,3 фоизга уддаланди. Бундан ташқари келгуси йил ҳосили учун 16,5 минг тонна уруғлик дон ҳам тайёрланди.

Барча тизим хўжаликларида асосий ва такрорий экиндан 601,8 минг тонна дон етиштирилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 минг тоннага ёки 0,2 фоизга кўпдир.

2016 йил 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 581,1 минг тонна бошоқли дон, шундан 558,9 минг тонна бугдой ишлаб чиқарилди.

Вилоят бўйича жами 177,2 минг тонна картошка (2015 йил шу даврига нисбатан 10,1 фоизга кўп), 543,3 минг тонна сабзавот (14,9 фоизга кўп), 99,0 минг тонна полиз (8,5 фоизга кўп), 194,9 минг тонна мева (10,7 фоизга кўп), 138,7 минг тонна узум (15,4 фозга кўп) етиштирилди.

Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон хўжалиklarининг салмоғи юқори бўлмоқда, жумладан жами етиштирилган картошканинг 92,5 фоизи, сабзавотнинг 85,8 фоизи, полиз маҳсулотларининг 82,6 фоизи, меванинг 63,5 фоизи ва узумнинг 70,8 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.

Чорвачилик. 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли қорамоллар 1142,6 минг бошни, (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 фоизга кўп), шу жумладан сигирлар 396,1 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,2 фоизга кўп), қўй ва эчкилар 1993,9 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 фоизга кўп), паррандалар 3740,7 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,1 фоизга кўп) ташкил этди.

2016 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамол	1142,6	103,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	59,5	103,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1076,1	103,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	7,0	107,7
улардан сигирлар	396,1	100,2
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	17,3	100,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	375,9	100,0

	минг бош	ўсиш суръати, %
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,9	126,1
Куй ва эчкилар	1993,9	105,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	203,4	106,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1612,2	104,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	178,3	111,2
Отлар	4,5	100,4
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,5	101,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3,7	100,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,3	99,0
Паррандалар	3740,7	117,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	182,5	105,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2301,1	109,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1257,1	135,6


2016 йил 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда 150182 тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,0 фоизга кўп), 593006 тонна сут (8,7 фоизга кўп), 263667 минг дона тухум (8,2 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобидан бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,7 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 58,9 фоизни ташкил қилди.

2016 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари куйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	150,2	106,0
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	3,5	111,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	145,2	105,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,5	119,4
Сут, минг тн.	593,0	108,7
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	24,3	107,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	566,9	108,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,8	128,8
Тухум, млн. дона	263,7	108,2
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	4,0	109,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	155,3	112,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	104,4	103,1

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:
ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатида фермер хўжаликларида 59,5 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 17,3 минг бош сигир, 203,4 минг бош қўй ва эчкилар, 182,5 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2015 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 3,8 фоизга, қўй ва эчкилар 6,3 фоизга, паррандалар 5,6 фоизга кўпайган.

Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш куйидагича ифодаланади:

	2015 йил январь-сентябрь		2016 йил январь-сентябрь		ўсиш суръати, %
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	3090	2,2	3455	2,3	111,8
Сут	22530	4,1	24303	4,1	107,9
Тухум, минг дона	3624	1,5	3977	1,5	109,7
Қоракўл тери, дона	29376	7,9	31160	8,0	106,1
Жун	221	8,4	236	8,5	106,8
Пилла	2778,1	89,8	2779,5	89,7	100,1
Бошоқли дон	377147	65,0	377336	64,9	100,1
шундан: буғдой	371606	66,7	372534	66,7	100,2
Картошка	9795	6,0	13239	7,4	135,2
Сабзавот	53658	11,3	75518	13,9	140,7
Полиз	15265	16,8	16981	17,2	111,2
Мева ва резаворлар	58443	33,2	69802	35,8	119,4
Узум	31324	26,1	39899	28,8	127,4

Инвестициялар ва қурилиш

2016 йил январь-сентябрь ойларида вилоятнинг асосий капитални қўпайтиришга 4046,3 млрд.сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,0 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши куйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	Яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	4046,3	115,0	100,0
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	584,7	119,6	14,5
бюджет маблағлари	48,3	82,7	1,2
давлат мақсадли фонд маблағлари	152,2	77,7	3,8
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	384,2	161,1	9,5
Марказлашмаган инвестициялар	3461,6	114,5	85,5
корхоналарнинг ўз маблағлари	1256,5	94,9	31,1
аҳоли маблағлари	548,2	115,2	13,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1434,9	141,0	35,5
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	199,9	97,5	5,0
бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	22,1	999,1	0,4


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2015 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 10,8 фоизга ошди ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 10,1 фоизга, бошқа харажатлар улуши 0,7 фоизга камайган.

2016 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	4046,3	610,0	3436,3
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида			
қурилиш-монтаж ишлари	61,1	84,7	56,9
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	9,2	8,4	9,4
Бошқа ҳаражатлар	29,7	6,9	33,7

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



- Уй-жой қурилиш
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлашга
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Ташиш ва сақлаш
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Қурилиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 651,1 млрд.сўм ёки 16,1 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий майдони 694,6 минг кв.м. бўлган 5047 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 112,1 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 562,6 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 111,6 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 35,0 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,2 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 51,0 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 62,3 км. узунликдаги ичимлик суви, 15,8 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2015 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 173,5 ва 39,3 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 59,9 км. ёки 96,1 фоизи ва газ тармоқларининг 15,8 км. ёки 100,0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 5,3 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,3 млрд. сўм (5,7 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 0,2 млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди, бу 100,0 фоиз аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.


Қурилиш фаолияти. 2016 йил январь-сентябрда 1829,3 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2015 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 112,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 59,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 40,9 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1733,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 94,7 фоизни (2015 йил январь-сентябрга нисбатан 2,8 фоизга кўпайди) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2016 йилда барча транспорт турлари томонидан 60,0 млн.тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 10,6 фоизга кўпайди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1681,7 млн.тн.км.ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 10,6 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-сентябрь	2015 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн.тн.	60,0	110,6
шу жумладан:		
автомобил транспортида	60,0	110,6
Юк айланмаси, млн.тн.км.	1681,7	110,9
шу жумладан:		
автомобил транспортида	1681,7	110,9

Автомобил транспортида 60,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, 2015 йилга нисбатан 10,6 фоизга ўсди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2015 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 6,5 фоизга кўпайди ва 995,6 млн. тн.км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 59,2 фоизни ташкил этди. (2015 йил январь-сентябрда уларнинг улуши 61,7 фоиз бўлган).

Йўловчи ташиш. Жорий йилда барча транспорт турлари томонидан 280,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 5,5 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 2015 йилга нисбатан 4,4 фоизга кўпайиб, 2994,8 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-сентябрь	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	280,0	105,5
шу жумладан:		
автомобил транспортида	280,0	105,5
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	2994,8	104,4
шу жумладан:		
автомобил транспортида	2994,8	104,4

Товарлар ва хизматлар бозори

2016 йилнинг январь-сентябрида товар айланмаси 4018,4 млрд сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 15,0 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь- сентябрь млн.сўм	2015 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	4018359,7	115,0	100,0
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	488,7	60,2	-
нодавлат мулки	4017871,0	115,0	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	3336808,9	120,0	83,0

Расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 1018,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 99,2 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 2999,9 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2015 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 21,6 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 74,7 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилда савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь- сентябрь млн. сўм	2015 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Товар айланмаси	4018359,7	115,0	100,0
шу жумладан:			
уюшган савдо корхоналари	1018528,7	99,2	25,3
уюлмаган савдо	2999831,0	121,6	74,7

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 165,8 млрд. сўмга етди ёки 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 111,4 фоизни ташкил қилди.

2016 йил январь-сентябрда **иктисодий фаолият турлари бўйича хизматлар** ҳажми 3040,1 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 869,4 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 28,6 фоизини ташкил қилди. 2015 йил январь-сентябрга нисбатан ҳақиқий ўсиш 115,3 фоизни ташкил этди.


2016 йил январь-сентябрь ойида кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь- сентябрь млн.сўм	2015 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	3040059,1	115,3	100,0
шу жумладан			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	187933,2	111,9	6,2
Молия хизматлари	251533,6	123,3	8,3
Транспорт хизматлари	664548,0	112,6	21,9
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	176011,8	111,1	5,8
Савдо хизматлари	1095410,3	118,5	36,0
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	96447,0	115,4	3,2
Таълим хизматлари	115181,8	109,3	3,8
Соғлиқни сақлаш хизматлари	59025,1	117,5	1,9
Ижара ва прокат хизматлари	102510,7	115,0	3,4
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	93618,4	109,3	3,1
Шахсий хизматлар	85268,7	112,1	2,8
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	25743,7	115,7	0,8
Бошқа турдаги хизматлар	86826,8	106,9	2,8

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (36,0 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (21,9 фоизи), молиявий (8,3 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (6,2 фоизи), таълим (3,8 фоизи) ва бошқа (2,9 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет” тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда ўтган йилга нисбатан (11,9 фоизга кўп), Молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда (23,3 фоизга кўп) ва Мехмонхона, овқатланиш хизматлари билан бирга (11,1 фоизга кўп) ўсиш юқори бўлди.

2016 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари куйидагича:



- Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари
- Молия хизматлари
- Транспорт хизматлари
- Яшаш ва овқатланиш хизматлари
- Савдо хизматлари
- Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар
- Таълим хизматлари
- Соғлиқни сақлаш хизматлари
- Ижара ва прокат хизматлари
- Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари
- Шахсий хизматлар
- Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар
- Бошқа турдаги хизматлар

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1835,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 20,7 минг кишига ёки 1,1 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг табиий ўсиши 22,4 минг кишини ташкил этди. 2016 йил январь-сентябрь ойида аҳолининг кўчиб келиш ва кўчиб кетиш миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, -1,7 минг кишини ташкил қилди. (Кўчиб келганлар 4,5 минг киши, кўчиб кетганлар 6,2 минг киши).

2016 йил январь-сентябрь ойида аҳолининг табиий ҳаракати қуйидагича ифодаланади:

	Минг нафар			Ҳар 1000 кишига	
	2015 йил	2016 йил*)	Ўсиш, камайиш (+,-)	2015 й	2016 й*)
Туғилганлар	28,6	28,1	-0,5	21,3	20,6
Ўлганлар	5,8	5,7	-0,1	4,3	4,2
шу жумладан бир ёшгача болалар**)	0,3	0,3	-	10,1	11,4
Табиий ўсиш	22,8	22,4	-0,4	17,0	16,4
Никоҳлар	11,2	10,6	-0,6	8,3	7,7
Ажралишлар	1,3	1,2	-0,1	1,0	0,9

2016 йилнинг январь-сентябрида туғилганлар сони 28,1 минг кишини ташкил қилди ва 2015 йилга нисбатан 0,5 минг кишига камайиб, туғилиш коэффициенти 0,7 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиш даражаси Бухоро туманида (19,2 дан 18,0 промиллега), Пешку туманида (23,8 дан 23,0 промиллега), Шофиркон туманида (21,7 дан 20,1 промиллега), Когон туманида (22,6 дан 21,2 промиллега), Когон шаҳрида (18,5 дан 16,3 промиллега), Бухоро шаҳрида (16,9 дан 16,6 промиллега) кузатилди. Жорий йилда туғилишнинг энг паст даражаси Когон шаҳрида (16,3 промиллега) бўлгани кузатилди.

2016 йил январь-сентябрда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоят бўйича ўлганлар сони 5,7 минг кишини ташкил қилди. Ўлганлар сонининг камайиш ҳолати эса Олот туманида (4,4 дан 4,1 промиллега), Бухоро туманида (4,2 дан 3,6 промиллега), Когон туманида (4,8 дан 4,7 промиллега), Қорақўл туманида (4,3 дан 4,1 промиллега), Жондор туманида (4,0 дан 3,8 промиллега) туманларида кузатилди.

*) Дастлабки маълумот

**) ҳар 1000 туғилганларга

Энг кўп ўлим ҳоллари Когон шаҳрида (4,9 промилле) бўлиб, энг кам ўлим ҳоллари Қоровулбозор туманида (3,5 промилле) кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 3,7 минг та (64,9 фоизи), бахтсиз ходисалардан 0,4 минг та (7,0 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 0,3 минг та (5,3 фоизи), саратон касалликлари 0,6 минг та (10,5 фоизи) ва юқумли касалликлардан 0,1 мингта (1,8 фоизи) бошқа касалликлардан 0,6 мингта (10,5 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил 1 октябрь ҳолатига бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 263 тани ташкил қилди. Гўдақлар ўлими 2015 йилнинг январь-сентябрида 10,1 промилле бўлиб, 2016 йил январь-сентябрида 11,4 промиллени ташкил этди.


Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 430 та (49,4 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 61 та (23,2 фоизи) вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2016 йилнинг январь-сентябрида ФХДЁ органларида 10572 та никоҳлар ва 1201 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,7 та никоҳ (2015 йилнинг тегишли даврида – 8,3 та) ва 0,9 та ажралишлар (2015 йилнинг тегишли даврида – 1,0 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 4481 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 6163 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1682 кишига (2015 йилнинг шу даврида минус 1509 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шаҳрида (минус 1318) Когон шаҳрида (минус 239), Ғиждувон (минус 160) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2016 йил январь-сентябрда қуйидагича ифодаланади:



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 0,8 фоизга кўпайиб, 1064,2 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 58,6 фоизини ташкил қилди.

Вилоятда иш билан банд бўлганлар сони 823,7 минг кишини ташкил этди ва бу ўтган йилга нисбатан 100,1 фоизга ошди.

Нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 2016 йилда ўтган йилга нисбатан ўзгармаган бўлиб 82,3 фоизни ташкил қилди.


2016 йилнинг январь-сентябрида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 16,4 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 1,5 кишига ёки 8,3 фоизга камайди. Меҳнат бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар даражаси Бухоро шаҳрида (вилоят бўйича иш қидириб мурожаат этганлар умумий сонининг 14,6 фоизи), Қоракўл (10,4 фоизи), Шофиркон (11,6 фоизи), Гиждувон (9,8 фоизи) туманларида юқори бўлди.

Меҳнат бўлимларига мурожаат қилганлардан 15,8 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 96,3 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврига 96,6 фоизни ташкил қилган.

2016 йил сентябрь ойининг охирида иш қидириш учун вилоят меҳнат бўлимларида ҳисобда турган аҳоли сони 222 кишини ташкил қилди. (2015 йил сентябрь ойининг охирида 235 киши бўлган.)

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Шофиркон туманига (37 киши, вилоят миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 16,7 фоизи), Когон туманига (25 киши, жами рўйхатда турганларнинг 11,3 фоизи), Вобкент тумани (20 киши, жами рўйхатда турганларнинг 9,0 фоизи) ва Бухоро шаҳрига (2,7 киши, жами рўйхатда турганларнинг 12,2 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:



Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг сентябрь ойи охирига 133 киши ишсиз, деб эътироф этилган.

Меҳнат бош бошқармасининг маълумотларига кўра, 2016 йил январь-сентябрь ойида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс Дастурларини амалга ошириш доирасида, вилоят бўйича 58,9 минг иш жойлари ташкил қилинган.

Вилоят бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 62,5 фоизи (36,8 мингта иш жойи) қишлоқ жойларга тўғри келади.